

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**
Бухоро давлат университети
Филология факультети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

ЭЛ ДУРЛАРИН ҚАДРЛАГАН ОЛИМА

Республикамизда танилган фольклоршунос оима,
филология фанлари доктори, профессор Дармоной
Ўраеванинг 55 йиллигига бағишиланади

“Дурдана” нашриёти
Бухоро – 2021

Ушбу тўплам республикамида танилган фольклоршунос олима, филология фанлари доктори, профессор Дармоной Ўраеванинг 55 йиллиги муносабати билан тартиб берилган. Китоб устозлар, дўстлар, ҳамкаслар, шогирдлар ва яқинларининг олима ҳақидаги дил сўзларидан таркиб топган.

Масъул муҳарир:
ф.ф.д, проф. Дилрабо Қувватова

Тақризчилар:
ф.ф.д, доц. Дилшод Ражабов,
ф.ф.д, доц. Ҳусниддин Эшонқулов,
ф.ф.н., доц. Маърифат Ражабова

Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:
ф.ф.ф.д. Отабек Файзуллаев,
ўқит. Акмал Жумаев,
ф.ф.ф.д. Наргиза Кадирова

**Университет илмий кенгашининг 2021 йил 4-майдаги
14-сон йиғилиши қарори асосида нашрга тавсия этилган.**

профессор Дармоной Ўраева 55 ёшида

доирасида фаолият олиб бордик. Дармоной опа заҳматли меҳнати эвазига илм йўлида қанчалик республикамиз ва хорижда эътибор қозонган бўлсалар, юксак инсоний фазилатлари орқали одамларга ўrnак бўлиб келмоқдалар.

Тадқиқот иши олиб бориш кўп босқичли фаолиятдир, мана шу фаолиятим давомида 2018 йилда илмий ишим натижаларини Устоз раҳбарлик қилаётган Халқаро лойиҳада татбиқ этишни сўраб мурожаат қилдим, Дармоной опа ҳеч иккиланмасдан лойиҳада тадқиқот ишим натижаларини татбиқ этишда амалий ёрдам бердилар. Не баҳтки, маълум вақтдан сўнг илмий ишимни Дармоной Ўраеванинг шогирдлари Отабек Файзуллоев билан бир кунда муваффақиятли яқунладим. Ҳозиргача Дармоной Ўраевадан илм йўлида мени қўллаб-қувватлаганлари ва берган панд-насиҳатлари учун чуқур миннатдорман. Сизнинг камтарлигизга кўз тегмасин, атрофдагиларга илм ва меҳр улашишда Худонинг ўзи Сизга янада кўпроқ куч-қувват берсин! Бугунги муборак ёшингиз муборак!

БИР УМР ТАЪЗИМДАМАН

**Лайло Тўраева,
Ўзбек тили ва адабёти кафедраси
ўқитувчиси**

Илм инсонни баланд даражотларга эриштирувчи мустаҳкам омад пиллапоясидир. Бу пиллапоядан билимсиз инсоннинг ўтмоғи душвор. Ушбу ақидага ишонмайдиганлар «омадга эришишнинг йўллари кўп», дейиши мумкин. Аммо ҳар қандай омад билим билан безанмас экан, унинг орқаси кесикдир. Келинг, яхиси, сўзни билими йўқ омадлилар ҳақида эмас, ИЛМни ҳаёт йўлининг машъали деб билган инсон тўғрисида давом эттирсак. Бу инсон кичкина жуссасига гўзал халқ қўшиқлари билан омухта улкан адабиётни сиғдира олган ва бу адабиётни халқقا beminnat улашишда катта жонбозлик қилаётган ҳассос қалб соҳибаси – филология фанлари доктори, профессор, Дармоной Ўраева.

Устоз бу улуғ йўлга кириб келганларида биз ҳали талаба эдик. У кишининг ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ҳаракатчан, фидойи эканликлари тўғрисида устозлардан, тенгдошлардан кўп бора эшитардик ва уларга катта ҳавас билан қарап эдик. Чунки ИЛМ шундай бир нурки, у ўз соҳибининг чехрасида гўзал бир нурни зоҳир этар эди. Дармоной устознинг юз кўзларидан балқиб турган бу нур унга ташналарни албатта ўзига тортар эди. Мен шу нурга боғланиб келганлардан бири бўлдим. Уларнинг сұхбатларини тинглаб, ўзимда шу йўлдан боришга катта рағбат ҳис этардим. Уларнинг иш усуллари, жараёнга содда, болаларча беғубор қалб билан баҳо беришлари менга жуда ёқади. Дарс ўтганларида оддий, ҳаётӣ мисоллар топиб тушунча беришлари талабаларда қизиқувчанликнинг ошишига сабаб бўлади. Уларни аксарият вақт илм билан машғул ҳолда кўраман. Устознинг заҳматли ҳаётини кўриб, олимлик «олимлик – игна билан қудуқ қазиш» деган иборанинг ҳақ эканига амин бўлар эдим.

Тақдир Дармоной Ўраевага улуғ йўлни насиб этган бўлса-да, бу йўлда кўп мاشаққатлар чекканидан хабарим бор. Истеъдод ўз кушандаси билан ёнма-ён юради, деган бир ақида бор экан. Баъзан ҳасадчиларнинг таъналари дилини ўртаса, баъзан иккиюзлама риёкорлар ҳийлалари йўлини тўсди. Аммо уларга ҳар доимгидек, ўз заковатига таяниб жавоб берар, барчани қайта ва қайта лол қолдирав эди. Чунки устоз ўз касбини ниҳоятда севар ва ўта талабчанлик билан ҳар бир ишини сидқидилдан амалга оширадилар.

Дармоной Ўраева 26 ёшда “Ўзбек ҳалқ лирик қўшиқларида параллелизмнинг характеристи ва бадиий композицион вазифалари” мавзуидаги номзодлик ҳимояси, 38 ёшда “Ўзбек мотам маросимларининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти” докторлик ҳимоясини амалга оширган фавқулодда истеъдодга эга бўлган зукко олима ҳисобланади. Ҳар иккала иш ҳам олиманинг буюк фольклоршунослар қаторида тура олишини исботлайди. Бугун Бухорода устоз Охунжон Сафаров яратган ўзига хос мактабни бошқарар экан, устоз Дармоной Ўраевага катта куч-қувват, мустаҳкам соғлик

профессор Дармоной Ўраева 55 ёйда

тилаймиз. Не баҳтки, опамдек қўриб юрган устозим бугун 55 ёшни қаршилабтилар. Бошқалар нима деса десин, мен сизнинг илм ёғдуси балқиб турган қалбингизга бир умр таъзим қиласман, азиз жонкуяр устозим.

Мен бугун устозни улуғ ёшга етганликлари билан чин юракдан муборакбод этар эканман, шогирдлар ардоғида узоқ йиллар ҳаёт кечиришларини, бундан-да баланд мартабаларга эришишларини чин дилдан тилаб қоламан.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ

**Хайтов Хамза Ахмадович
Бухду Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
мустақил изланувчиси**

Қадим ривоятларга кўра, ислом оламининг буюк муршиди ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандийга шогирд-муридларидан бири савол берибди: “Устоз, Ҳазрати Исога жон ато этгувчи нафас мўъжизаси берилган, Сулаймонга барча жонзотларнинг забонини англаш, девларни ва шамолни бошқариш қудрати ато қилинган. Сиз ҳам бирор мўъжиза кўрсата оласизми? Шунда улуғ пир секин ўрниларидан турдилар-да, беш-олти қадам эркин юриб, қайтиб ўлтиридилар. Шогирд ҳайрат билан: “Устоз, англай олмадим, бу қандай мўъжиза?!”

Ҳазрат жавоб бердилар: “Елкамда тоғлардан ҳам оғир юқ бўла туриб, яйраб қадам ташлаганимнинг ўзи мўъжиза эмасми?!” [6;187].

Мен ҳар вақт устозим, профессор Дармоной Саидаҳмедовнанинг китобларга тўла жавонли уйларига борганимда юқоридаги ривоятни эслайман. Шу кичкина жуссасида тоғлардан-да вазмин ташвишларни кўтариб, ўнлаб шогирдларга беғараз ва беминнат ёрдамини аямай келаётган устозимга нисбатан ўзимда улуғ эҳтиром туйғусини ҳис қиласман. Устозим, янглишмасам, дам олиш кунларида юзлаб китобларни варактайдилар. Лекин бирор марта кўрмадимки, китоблардан ҳеч қайси тартибсиз ва очик ҳолда турмасди. Устоз доимо озодаликка, тозаликка, энг

ЭЛ ДУРЛАРИН ҚАДРЛАГАН ОЛИМА

Республикамиизда танилган фольклоршунос олима,
филология фанлари доктори, профессор Дармоной
Ўраеванинг 55 йиллигига бағишиланади

Muharrir:

A. Qalandarov

Texnik muharrir:

G. Samiyeva

Musahhih:

Sh. Qahhorov

Sahifalovchi:

M. Ortiqova

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 09.03.2021. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Palatino Linotype» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 17,2. Adadi 100. Buyurtma №126.

Buxoro viloyat Matbuot va axborot boshqarmasi
“Durdon” nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45